

MAKTAB VA HAYOT

Ilmiy-metodik jurnal

4

2016

Ushbu sonda:

N.Z.Abidova

Zaif ko'ruvchi bolalarning bilish jarayonlarini rivojlatirishning samarali yo'llari

5-бет

Д.А.Хидоятова

Интерфаол таълимда коммуникатив жараённинг психологик жиҳатлари

13-бет

Z.X.ODILBAYEVA

Eng sodda va qulay usulda asos andozalarni tayyorlash

19-бет

Л.Н.Аҳмедова, М.А.Розиқова

Ота-она ва педагогларнинг болаларга бўлган муносабатлари ташхиси

29-бет



Web site: <http://www.tashxis.uz>
e-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Файзилла АХМЕДОВ
Йўлдош АСАДОВ
Борис БЛЯХЕР
Хикматилла ДАМИНОВ
Рисбой ЖҮРАЕВ
Улуғбек ИНОЯТОВ
Сарвар МҮМИНОВ
Наргиза РАХМОНҚУЛОВА
Шавкат ШАРИПОВ

БОШ МУҲАРРИР

Комол ГАФУРОВ

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«МАКТАВ ВА НАУОТ» МЧЖ

Журнал 2001 йилдан чиқа
бошлаган.

МАНЗИЛИМИЗ
100022, Тошкент ш.,
Қўшбеги мавзеси, 16А уй,
Тел: (0371) 250-04-69
факс: (0371) 250-45-74
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим
ҳам таҳририят фикрига тўғри кела-
вермайди. Таҳририят мақолаларнинг
услубий хатоларини тўғрилаш ва
қисқартириш ҳуқуқини ўзидан сақлаб
қолади. Таҳририятга юборилган
мақолалар эгасига қайтарилмайди ва
тақриз қилинмайди.

Муаллифларнинг фамилияси,
исми, шарифи уларнинг паспортлари
маълумотларига мувофиқ ҳолда ёзи-
лади.

Мнение редакции не всегда сов-
падает с мнением автора. Редакция
оставляет за собой право на стилисти-
ческую правку и сокращение статей.
Присланные в редакцию рукописи не
возвращаются и не рецензируются.

Фамилия и инициалы авторов пи-
шутся согласно данным их паспорта.

Журналдан кўчириб босилганда
«МАКТАВ ВА НАУОТ»дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019



МУНДАРИЖА

2016-2017 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини
ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига
қабули хусусида..... 2

Ж.А.МАМАТҚОСИМОВ.

Таълим муассасаларида номоддий маданий меросни муҳофаза
қилишнинг ўзига хос хусусиятлари 3

N.Z.ABIDOVA.

Zaif ko'ruvchi bolalarning bilish jarayonlarini rivojlantirishning
samarali yo'llari 6

M.YU.AYOPOVA, Ш.Э.ТОХТИЯРОВА.

Логопедик шаҳобчада ўқувчилар нутқ нуқсонларини
бартараф этиш 9

Д.А.ҲИДОЯТОВА.

Интерфаол таълимда коммуникатив жараённинг
психологик жиҳатлари 14

Н.Х.ХОЛЙИГИТОВА.

Ўқувчиларда касбий мотивацияни шакллантиришнинг
психологик хусусиятлари 17

A.N.VALIYEV, P.A.ADILOV, M.X.GULYAMOVA.

Tasviriy san'at darslarida o'quvchilarga perspektiva qoidalarini
o'rgatishning dolzarb masalalari 20

T.C.AЧИЛОВ.

Миллий курашни ўргатиш жараёнида 13-14 ёшли
спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги 24

Л.Н.АҲМЕДОВА, М.А.РОЗИҚОВА.

Ота-она ва педагогларнинг болаларга бўлган
муносабатлари ташхиси 27

Z.X.ODILBAYEVA.

Eng sodda va qulay usulda asos andozalarni tayyorlash 31

S.O'.BEKMURODOVA.

Mehnat ta'limi darslarida quroqchilik san'ati bilan tanishtirish 33

ИЛОВА:

ТЕХНОЛОГИК YONDASHUV ASOSIDA 6-SINF MEHNAT TA'LIMI
DARSLARINI TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHGA
DOIR ISHLANMALAR

ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМДА КОММУНИКАТИВ ЖАРАЁННИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Д.А.Хидоятова, Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси, Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси

В данной статье анализируются такие психологические аспекты коммуникативных принципов как правила, навыки, алгоритмы слушания и положительные итоги в диалогах в организации эффективного процесса интерактивного обучения.

Ключевые слова и понятия: коммуникация, правила, навыки и алгоритмы слушания.

The author of this article analysis the psychological aspects of communicative principles as a rules, sub-skills, algorithms of listening and positive results in dialogues as a part of effective interactive teaching.

Key words and conceptions: communication, rules, sub-skills and algorithms of listening.

Интерфаол таълим жараёни мулоқот, яъни коммуникацияга асосланади. Унинг асосий унсурлари бу коммуникациядир. Коммуникацияни самарали ташкил этишнинг психологик аспекти интерфаол таълим муваффақиятининг асосий қисми ҳисобланади. Бунда педагог самарали коммуникацияни ташкил этишда бир нечта психологик қоидаларга риоя қилиши зарур. Интерфаол

таълимда коммуникатив жараёни ташкил этишда уни тўғри ташкил этиш, диалогни, яъни мулоқотни самарали ривожлантириш, шунингдек, эшитиш ва нутқни компетентлик даражасида олиб боришнинг психологик қоидалари мавжуд. Қуйида шу қоидаларнинг айрим психологик жиҳатларини таҳлил қиламиз.

Бу қоидалар орасида **самарали тинглаш** қоидаси интерфаол таълимни ташкил этишда алоҳида ўрин тутади.

Диалогда фаол эшитиш алгоритми

Босқичлар	Ҳаракатлар
1. Сўзловчининг сўзини қўллаб-қувватлаш.	"аҳа", "ҳа", "ҳмм", "албатта", бош ирғитиш, "эшитиш позаси", кўзлар алоқаси.
2. Шеригининг ўз айтган сўзлари учун масъуллигини таъкидлаш (агар бу фикрни айнан ким айтганлиги таъкидланмаса, парафраза ишламайди).	<ul style="list-style-type: none"> • Сиз ... деб ҳисоблайсиз, гапираяпсиз (ўйлаяпсиз) • Демак, Сизнинг гумонларингиз қуйидагилардан иборат: ... • Шундай қилиб, Сизнинг тамойилларингиз ...ни кўрсатади • Демак, сиз ...ни тасдиқлайсиз • Сизнинг фикрингиз бўйича шундай хулоса қилиш мумкин: ... • Сиз фикрингизни шундай ифодаладингизки, унга кўра... • Сизнинг сўзларингиз шундай: ...
3. Фикр мазмунини ифодалаш	Бу босқичда шахсий ҳис-туйғулар баҳолашдан бутунлай холи бўлиши, уларни кейинроққа қолдиришга ҳаракат қилиш керак
4. Суҳбатдошининг фикрини тўғри тушунганлигингизга ишонч ҳосил қилиш	<ul style="list-style-type: none"> • Мен тўғри тушундимми? • Бу шундайми? • Мен ҳеч нарсани адаштирадимми? <p>Агар шеригингиз сизга қўшилмаса ёки иккиланса, тўлиқ тушунганингизга қадар фикрни яна бир мартаба ифодалаш керак.</p>

Коммуникациянинг самарали эшитиш қоидалари:

Тингловчининг айтаётган гапларини эшитишингиз учун қулай шароит яратинг. Сўзловчининг сизга гапириши мумкинлигини ҳис этишига ёрдам беринг, унинг учун тегишли шароит яратинг. Телефонни ўчиринг. Сизга ҳеч ким ҳалақит бермайдиган жой танланг.

Фаол позани эгалланг. Гавданинг ҳаракати миянинг иш фаолияти билан ўзаро боғлиқдир. Агар гавда меъёрда ҳаракатланса, мия ҳам шундай ҳаракатланади. Акси бўлганда эса, миянинг фаолияти ҳам сустлашади.

Диққатингизни тингловчига қаратинг. Бу ҳолатда тинглаш, диққат қилиш осон. Четга ёки ерга қаралса, хавфли вазият туғилади, бизнинг фикрларимиз нигоҳимизни таъқиб қилиши мумкин. Суҳбатдош билан визуал алоқани ўрнатинг, бироқ унга тикилиб қараманг (гоҳида буни душманлик деб қабул қилиши мумкин).

Эшитишни хоҳлаётганингизни кўрсатинг. Қизиқаётганлигингиз билиниб туриши керак. Сизнинг ҳолат ва ишораларингиз суҳбатдошингизни тинглаётганингизни билдириб туришига эришинг. Суҳбатдошингиз диққат билан эшитадиган киши билан мулоқот қилишни хоҳлаётганини унутманг.

Тингловчига барқарор эътиборда бўлинг. Қоғозга ҳеч нарса чизманг, бармоқ ёки ручка билан тақиллатманг, қоғозни шитирлатманг. Ҳар қандай чалғитадиган ҳаракат - столга қараш, ўзингиз билан олиб келган қоғозга назар ташлаш - диққатни сўзловчи билан бегона предметлар ўртасида бўлишга мажбур қилади.

Тинглаш ва эшитиш керак. Суҳбатдошингиз нима ҳақида гапираётганига диққатингизни жамланг. Фикрларнинг "чалғиши"га йўл қўйманг. Тингловчининг фикрини тушуниш учун диққат билан эшитишга ҳаракат қилинг.

Эшитиш жараёнини мантиқан режалаштиринг. Бизга гапирилаётган гапларнинг хаммасини эслаб қолиш қийин, лекин асосий фикрларни эслаб қолиш шарт.

Суҳбатдошингизнинг ҳис-туйғуларини тушунишга ҳаракат қилинг. Нафақат сўзларнинг маъносини, балки суҳбатдошининг туйғусини ҳам ҳис этиш зарур. Кишилар ўз фикр ва туйғуларини қабул қилинган ижтимоий меъёрга мувофиқ "кодланган" ҳолда узатишларини ёдда тутинг.

Кузатувчан бўлинг. Ҳиссий мулоқот мулоқотнинг катта қисмини эгаллагани учун сўзловчининг новербал сигналларини кузатинг.

Мулоқотга масъул бўлишдан қочманг. Мулоқотда икки киши қатнашаётгани учун у диалогдир. Шунинг учун тингловчи ролини улар галма-гал эгаллашади. Суҳбатдошингизга уни ҳақиқатан ҳам тушуниб тинглаётганингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Бунга фаол ҳиссиёт, аниқлаштирувчи саволлар билан эришиш мумкин. Агарда сиз унга ўзингиз бу ҳақда айтмасангиз, суҳбатдошингиз сизнинг тушунаётганингизни билмаслиги мумкин.

Сабр-қаноатли бўлинг. Сўзловчининг гапини бўлмайд тинглашга ҳаракат қилинг. Бунга етарли вақт ажратинг.

Ўз ҳиссиётингизни жиловланг. Сержаҳл киши ўз сўзларини кўпинча нотўғри ифодалайди. Ўзингизга қулоқ тутинг. Сизнинг ташвишли қиёфангиз ва сиздаги ҳиссий кўзғалиш шерингизни тинглашга ҳалақит беради. Агарда унинг нутқи ва ҳаракати сизнинг туйғуларингизга таъсир этса, уларни билдиришга ҳаракат қилинг. Бу вазиятни ойдинлаштириб, суҳбатдошингизни тинглашга осонлик яратади.

Эҳтиёткорлик ва одоб билан танқид қилинг, баҳоламанг. Танқид суҳбатдошингиз шахсига эмас, балки унинг фикрига қаратилган бўлиши шарт. Суҳбатдошингизга нисбатан маъқулловчи муносабатда бўлинг. Унга фикрларини аниқ ифодалашга ёрдам беринг. Сиз томонингиздан билдириладиган ҳар қандай салбий реакция сўзловчида ўзига ишончсизлик ҳисси, ҳимояланиш реакциясини уйғотади.

Суҳбатдошингизнинг мақсадини тушунинг. Кўпинча суҳбатдошининг мақсади - сиздан реал нимадир олиш ёки фикрингизни ўзгартириш, ёки нимадир қилишга сизни мажбурлаш эканлигини ёдингизда тутинг.

Ёмон одатлар эшитиш жараёнини қийинлаштиради. Ўзингизнинг эшитиш одатларингизни, характерингизнинг заиф ва кучли томонларини ошқора қилишга ҳаракат қилинг. Сиз тингловчилар ҳақида жуда тез фикр юритмаяпсизми? Сизда инсонга қарамасдан эшитиш одати йўқми? Суҳбатдошингизни фикри, гапини тез-тез бўлиб турасизми? Ўз ташвишларингиз билан банд бўлсангиз-да, ўзингизни худди берилиб эшитаётгандай қилиб кўрсатасизми? Охиригача тингламай ту-

риб, шошилич хулоса чиқармайсизми? Бу саволларга педагог жавоб бериб, юқоридаги қоидаларга зид жавоблар бўлганида ўз устида ишлаши талаб этилади. Бу ҳам унинг компетенциясини аниқлашда асосий мезонлардандир.

Юқоридаги қоидаларга асосланиб, интерфаол таълим жараёнини ташкил этишда компетентли педагогга куйидаги эшитиш кўникмалари тамойилларига риоя қилиш ҳам психологик аспектлардан бири ҳисобланади.

- Тингловчи гапираётганларини тизимланг: муҳим ғоялар, асосий сўзлар, саналар, исмлар...;
- Эшитганларингизни таҳлил қилинг, билган нарсаларингиз билан қиёсланг;
- Ҳис-туйғуларни эшитишга ҳаракат қилинг - кўпинча улар сўзларга зид келади;
- Сўзловчининг фикрини тушунишга ҳаракат қилинг;
- Ўз фикрларингизга “келиш” ва “кетиш”-га рухсат беринг, диққат-эйтиборингизни ўз фикрларингизга эмас, сўзловчининг фикрига жамланг.

Фаол коммуникатив жараён ташкил этилганда диалог пайдо бўлиши табиий ҳол. Бу жараёнда ҳам бир қатор психологик аспектлар мавжуд бўлиб, улар интерфаол таълимни самарали ташкил этишдаги асосий элементлардан ҳисобланади.

Таълим жараёнида суҳбатдошингиз, яъни тингловчи томонидан айтилган фикрни аниқлаш ва уларни ижобий яқунлаш усуллари мавжуд бўлиб, педагог булар ҳақида маълумотга эга бўлиши интерфаол таълим жараёнини самарали ташкил этишнинг муваффақиятини белгилайди.

Суҳбатдошингиз томонидан айтилган фикрни аниқлаш ва уларни ижобий яқунлаш усуллари:

1. Қўллаб-қувватловчи акс-садо. Суҳбат чоғида тингловчининг охириги сўзларини такрорлаш. Бу билан биз уни ўз эҳтиёжларини аниқроқ баён қилишга рағбатлантираемиз.

2. Маънавий акс-садо. Тингловчи баён қилган гаплардан бир-иккита асосий сўзларни такрорлаш. Бунда биз унинг фикрига маълум бир йўналиш бераемиз. Бу усул ёрдамида ўзимиз учун муҳим бўлган суҳбат мавзусини таъкидлаемиз.

3. Кўзгу. Тингловчи фикрини унинг сўзлари билан такрорлаш. Бу техника сўзловчида

ўзини тушунилган ва суҳбатни у бошқараётгандек, тасаввур туғдиради. У тингловчида ўз фикр ва саволларини ўйлаш ҳамда режалаштиришга имкон беради.

4. Қайта такрорлаш (парафраз). Эшитувчи томонидан сўзловчининг сўзларини айнан айтганидек такрорлаш. Бундан кўзда тутилган мақсад – фикрнинг маъносини тушунишга эришишдан иборат булади. Қайта такрорлаш тушуниш мазмунини берибгина қолмай, балки тингловчи сўзларида очиқ-ойдин айтилмаган фикрнинг англаганлигини ҳам ифода этади. Ўз фикрини бу шаклда қабул қилган шерик нотўғри тушунчадан тўғри тушунчани ажрата олади.

Ҳар бир жараённи ниҳояси бўлгани каби коммуникатив жараённи ҳам ниҳояси, яъни хулосаси бўлади. Эндиги педагогнинг эйтибор бериши лозим бўлган аспект бу диалогни ижобий хулосалаш тамойилларидир.

Хулоса қилиш – бу суҳбатдош фикрининг маъноси ёки мазмунини (ўша ёки ўхшаш сўзлар билан) такрорлашдир. Бунда биз жумла охирига (товушни кўтариб) “оҳангли сўроқ белгиси”ни қўямиз, натижада бу гап ундов гап бўлади: суҳбатдошимиз кейинги фикрлар ёки сўзларга нисбатан рағбатлантирилади.

Хулосаловчи жумлаларнинг намуналари:

- “Бу сиз учун янги муаммоларни келтириб чиқарадимми?”
 - “Яъни, масалан икки-уч йилда бир мартами?”
 - “Демак, биринчи навбатда, Сиз берган таклиф мақсадга мувофиқми?”
- Қолипли жумлалар:**
- “Шундай килиб, Сиз... деб ҳисоблайсиз”
 - “Сиз...дедингизми?” «Агар мен Сизни тўғри тушунган бўлсам, Сиз...?”
 - “Сиз ... ни назарда тутдингизми?”

Шу ўринда педагог интерфаол таълим жараёнини ташкил этишда куйидагилардан сақланиши талаб этилади:

- Сўзловчининг сўзини бўлмаслик;
- Баҳслашмаслик;
- Баҳоламаслик;
- Айбламаслик;
- Тез хулоса чиқаришга шошилмаслик;

Хулоса ўрнида, компетентли педагог интерфаол таълимни ташкил этишда ҳар бир деталларни аввалдан ўйлаб чиқиши зарур. Юқоридаги таҳлиллар ҳам айнан таълим жа-

раёнининг негизи бўлган коммуникатив та-
мойиллар бўлиб, педагог бу таможилларнинг
айрим психологик аспектиларини ўзлаштири-
ши ва кўникма ҳосил қилиши самарали интер-
фаол таълимнинг ижобий натижага эга бўли-
шига олиб келади.

Адабиётлар

1. Капранова Е. А. Интерактивное обучение: концептуальные подходы // Вестник Полоцкого государственного университета. - 2012. - № 7
2. Хидоятова Д.А. Интерфаол таълим. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «Абу матбуот-консалт», 2016 - 68 б.

ЎҚУВЧИЛАРДА КАСБИЙ МОТИВАЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Х.Холӣнгитова, Тошкент Молия институти ўқитувчиси

Мотивация как психологический феномен – явление сложное и многогранное, оно во многом определяет жизненный путь человека. В статье рассматриваются психологические особенности формирования профессиональной мотивации учащихся. Представлены результаты исследований, доказывающих преобладание внешней мотивации и профессиональных предпочтений, связанных со стереотипными представлениями о профессии.

Ключевые слова и понятия: профессия, выбор профессии, профессиональная мотивация, мотивы выбора профессии.

Motivation as a psychological phenomenon, that is complex and multisided. Mostly it determines person's course of life. The article is devoted to the analysis of psychological features of professional motivation formation of students. The results of research are presented. This results prove the dominance of external motivation and professional preferences connected with stereotype representations about profession.

Key words and conceptions: profession, selection of profession, professional motivation, the motives of profession selection.

Ўсиб келаётган ёш авлод камолоти-
ни таъминлашнинг ижтимоий-иқти-
содий, маънавий-маданий аҳамия-
ти ҳамда республикамизда асосий
устувор йўналишлардан бири кадр-
лар масаласи эканлиги қатор ҳукумат қарорла-
рида эътироф этилади. "Биз олдимизга қандай
вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зару-
ратини туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир
кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалавера-
ди. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг ке-
лажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрни-
мизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда,
қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ" [1].

Дарҳақиқат, республикамиз тараққиётга
эришишини кўп жиҳатдан кадрлар масаласи-
нинг қандай ҳал қилинганлиги белгилаб бера-
ди. Шу боис умумтаълим мактаблари ўқувчила-
рини касбга йўналтириш, ўрта махсус таълим

муассасаларида таълим олаётган ўқувчиларни
ўз касбини сезувчи етук мутахассис сифати-
да тарбиялаш ҳозирги вақтда таълим тизими
олдида турган долзарб муаммолардан бири
ҳисобланади.

Шу ўринда ўқувчи ёшларни касбга йўнал-
тиришда уларнинг касбий қизиқишлари би-
лан бирга албатта ақлий имкониятларини ҳам
инobatта олиш зарур. Агар касб танлаш инсон
учун ижтимоий мавқега эга бўладиган бўлса,
у ҳолда касб танлаш урф бўлган аъналарга,
жамиятдаги касб-ҳунарнинг мавқеига боғлиқ
юз беради. Умумтаълим мактаблари ўқувчи-
ларининг касб танлаш мотивлари тўғрисида
журнал саҳифаларида турли муаллифларнинг
мақолалари чоп этилган. Мазкур мақолада эса
касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг касб тан-
лаш мотивларининг қандай омиллар асосида
шаклланаётганлиги ва уларнинг натижасида